



ISSN 2181-9297

Doi Journal 10.26739/2181-9297

**СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА**

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART**

№5 (2019)



TOSHKENT-2019

Бош муҳаррир:
Холбеков Муҳаммаджон
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Главный редактор:
Холбеков Мухаммаджон
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Editor in Chief:
Kholbekov Muhammadjan
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Тўхтасинов Илҳом
ф.ф.д., доцент (Ўзбекистон)

Заместитель главного редактора:
Тухтасинов Илхом
к.ф.н., доцент (Узбекистан)

Deputy Chief Editor
Tuhtasinov Ithom
Ph.D. Ass. Prof. (Uzbekistan)

Таҳрир ҳайъати:

Редакционная коллегия:

Editorial Board:

Назаров Бахтиёр
академик. (Ўзбекистон)

Назаров Бахтиёр
академик. (Узбекистан)

Bakhtiyor Nazarov
academician. (Uzbekistan)

Якуб Умарўғли
ф.ф.д., профессор (Туркия)

Якуб Умар оглы
д.ф.н., профессор (Туркия)

Yakub Umarogli
Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)

Алмаз Улви Биннатова
ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

Алмаз Улви Биннатова
д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Almaz Ulvi Binnatova
Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)

Боқиева Гуландом
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Бакиева Гуландом
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Bakieva Gulandom
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Миннуллин Ким
ф.ф.д., профессор (Татаристон)

Миннуллин Ким
д.ф.н., профессор (Татарстан)

Minnulin Kim
Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)

Махмудов Низомиддин
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Махмудов Низомиддин
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Mahmudov Nizomiddin
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Керимов Исмаил
ф.ф.д., профессор (Россия)

Керимов Исмаил
д.ф.н., профессор (Россия)

Kerimov Ismail
Doc. of philol. scien., prof. (Russia)

Жўраев Маматкул
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Джураев Маматкул
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Juraev Mamatkul
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Куренов Рахиммамед
к.ф.н. (Туркменистон)

Куренов Рахыммамед
к.ф.н. (Туркменистан)

Kurenov Rakhimmamed
Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

Кристофер Жеймс Форт
Мичиган университети (АҚШ)

Кристофер Джеймс Форт
Университет Мичигана (США)

Christopher James Fort
University of Michigan (USA)

Умархўжаев Мухтор
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Умархаджаев Мухтар
д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Umarkhodjaev Mukhtar
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Мирзаев Ибодулло
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Mirzaev Ibodulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Болтабоев Ҳамидулла
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Балтабаев Ҳамидулла
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Boltaboev Hamidulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Дўстмухаммедов Хуршид
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Дустмухаммедов Хуршид
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Dustmuhammedov Khurshid
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Лиходзиевский А.С.
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Lixodzievsky A.S.
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Сиддиқова Ирода
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Siddiqova Iroda
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Шиукашвили Тамар
ф.ф.д. (Грузия)

Шиукашвили Тамар
д.ф.н. (Грузия)

Shiukashvili Tamar
Doc. of philol. scien. (Georgia)

Юсупов Ойбек
масъул котиб, доцент
(Ўзбекистон)

Юсупов Ойбек
доцент (Узбекистан)
отв. секретарь

Yusupov Oybek
Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior
Secretary

Pagemaker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

Тилшунослик / Языкознание / Linguistics

- 1.Карабаева Б.Б.**
КОГНИТИВ ТИЛШУНОСЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИНИНГ ИЛМИЙ
НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....5
- 2.Мавлонов О.А.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ТЕОЛИНГВИСТИКА.....11
- 3.Маннонова С.А.**
РАСМИЙ ХАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА
СУБЖАНРЛАРИ.....19
- 4.Мўминова Д.А.**
ДЕЙКСИСНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТИ.....26
- 5.Тоирова Д.Ф.**
ЭМИЛЬ ЗОЛЯНИНГ АСАРЛАРИДА КУНЛИК ФАОЛИЯТНИ ТАҲЛИЛ
ЭТИШ.....38
- 6.Shukurova В.В.**
NAZAR ESHONQUL NI KOYALARIDA KONTRAST USULINING
AN'ANAVIY VA ZAMONAVIY ASPEKTLARI.....45

Адабиётшунослик / Литературоведение / Literary criticism

- 7.Жуманова Д.Қ.**
МУМТОЗ ҲАЖАЛЛАР ТАҲЛИЛИ ВА ТАЛҚИНИ.....52
- 8.Назаров С.Ҳ.**
Й.В.ГЁТЕ "ФАУСТ" АСАРИДА КОНЦЕПТУАЛ МЕТАФОРА ТАҲЛИЛИ.....58
- 9.Шофиев О.**
ЎЗ МУҲИТИГА СИФМАГАН ОДАМ ОБРАЗИ (Эркин Аъзам ижоди мисолида)..66
- 10.Юлдашева Д.М.**
СИНТАКТИК ТАКРОРЛАРНИНГ БАДИИЙ- ЭСТЕТИК ИМКОНИЯТЛАРИ..75

Таржимашунослик / Переводоведение / Translation Studies

- 11.Муҳамедов Х.А.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИНИНГ ФАН СИФАТИДА
ШАКЛЛАНИШИ (ҲАЙБУЛЛА САЛОМОВНИНГ "ТИЛ ВА ТАРЖИМА"
МОНОГРАФИЯСИ МИСОЛИДА).....81

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

12. Гулямова Г.Я. БАДИЙ МАТН ТАРЖИМАСИДА ТРАНСФОРМАЦИОН МЕТОД ХУСУСИЯТИ.....	87
13. Мирзаахмедова М.Й. ТАРЖИМА ИЛМИ МАСАЛАСИ ЮЗАСИДАН ФИКРЛАР.....	94
14. Улмасбаева М.А. КОГНИТИВНЫЙ АНАЛИЗ НАЦИОНАЛЬНОГО КОЛОРИТА В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ПЕРЕВОДЕ.....	105
Санъат ва журналистика/ Искусство и Журналистика / Arts and Journalism	
15. Музаффарова С.Х. МИЛЛИЙ ЭСТРАДА САНЪАТИ ТАРАҚҚИЁТИДА СЎЗ, МУСИҚА ВА ИЖРО УЙҒУНЛИГИ МАСАЛАЛАРИ (шоир, бастакор ва хонанда ҳамкорлиги мисолида).....	113
16. Мусаева Н.А. ХИТОЙ МАТБУОТИДА ЎЗБЕК-ХИТОЙ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ ("БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ" ЛОЙИҲАСИ АСОСИДА).....	118
17. Ходжиматова М.К. СЎЗ САНЪАТИНИНГ МАЪНАВИЙ ҚУДРАТИ.....	123
18. Ибрагимова У. ЖОНЛИ СЎЗНИНГ САҲНАВИЙ ИФОДАВИЙЛИГИ.....	129
Лингводидактика ва методика/ Лингводидактика и методика/ Linguodidactics and methodology	
19. Зоирова Д.А. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА КОММУНИКАТИВ-КУМУЛЯТИВ МЕТОД АСОСИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ САМАРАЛИ ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.....	135
20. Иканова Л.С. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ОНА ТИЛИДАГИ МАТНЛАРНИ ЎҚИБ ТУШУНИШ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.....	145
21. Хасанова Д.К. ХАЛҚАРО PIRLS БАҲОЛАШ ДАСТУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА ЎҚИШ ВА ЁЗУВ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИ.....	152
22. Имамова У.М. ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШДА АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	162

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА
INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Санъат ва журналистика/ Искусство и Журналистика / Arts and Journalism

Музаффарова Саодат Хайдаровна

Ўзбекистон давлат ва санъат институти, "Вокал" кафедраси доценти

**МИЛЛИЙ ЭСТРАДА САНЪАТИ ТАРАҚҚИЁТИДА СЎЗ,
МУСИҚА ВА ИЖРО УЙҒУНЛИГИ МАСАЛАЛАРИ**
(шоир, бастакор ва хонанда ҳамкорлиги мисолида)



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-5-15>

АННОТАЦИЯ

Миллий эстрада санъати тараққиёти сўз, мусиқа ва ижрода профессионал жараёнларга асосланган бўлиб, шоир, бастакор ва хонанданинг ўзаро ижодий ҳамкорлиги натижасида классик даражага кўтарилган эстрада кўшиқлари яратилган. Мазкур мақолада миллий эстрада санъатининг тарихий шаклланиши сўз, мусиқа ва хонандалик ижроси кесимида тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: эстрада, миллий эстрада, санъат, мусиқа, сўз, овоз, хонандалик, бастакорлик.

Музаффарова Саодат Хайдаровна

Доцент кафедраси "Вокал", государственного
института искусство и культуры Узбекистана

**СЛОВА, МУЗЫКА И ВОПРОСЫ ТВОРЧЕСТВА В РАЗВИТИИ
НАЦИОНАЛЬНОГО ИСКУССТВА ЭСТРАДЫ**
(На материале сотрудничества поэта, композитора и певца)

АННОТАЦИЯ

Развитие национального эстрадного искусства основано на профессиональных процессах в словах, музыке и исполнении и создало классические песни, которые выросли до классического уровня в результате творческого сотрудничества поэта, композитора и певца. Эта статья исследует историческое формирование национального поп-арта с точки зрения слов, музыки и пения.

Ключевые слова: эстрада, национальная эстрада, искусство, музыка, слово,

ГОЛОС, ПЕНИЕ, КОМПОЗИТОР.

Muzaffarova Saodat Xaydarovna

Associate Professor of the department "Vocal"
State Institute of Arts and Culture of Uzbekistan

WORDS, MUSIC AND QUESTIONS OF CREATIVITY IN THE DEVELOPMENT OF NATIONAL ART OF ESTRADE

(on the materials collaboration of a poet, composer and singer)

ANNOTATION

The development of national pop art is based on professional processes in words, music and performance and created classical songs that grew to the classical level as a result of the creative collaboration of the poet, composer and singer. This article explores the historical formation of national pop art in terms of words, music and singing.

Key words: stage, national stage, art, music, word, voice, singing, composer.

Мамлакатимизда инсон, унинг қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, миллий ва умуминсоний қадриятларни мустаҳкамлаш, миллий маънавий меросимизнинг барқарорлигини таъминлаш, шахснинг эстетик тарбияси борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 3 август куни миллий маданиятимиз, адабиёт ва санъатимизни ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалар юзасидан адабиёт, маданият ва санъат ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари билан ўтказилган учрашуви бу борадаги муҳим вазифаларни ҳал этишга қаратилди. Негаки, маданият ва санъат, жумладан мусиқа ҳамда кўшиқ жамият маънавий тараққиётида санъатнинг бошқа турларига нисбатан глобал таъсир этиш хусусиятига эга [1].

Кўшиқ инсон қалбининг таржимони сифатида узоқ йиллар давомида ардоқланиб келган ва келинмоқда. Чунки, ҳақиқий кўшиқларда инсониятнинг орзу-умидларини, ор-номуси, меҳр-муҳаббати, келажакка бўлган ишончи сўз ва оҳанглар орқали ифода этилган. Ер юзидаги барча халқлар ҳаётини кўшиқсиз тасаввур эта олмайди. Чунки зукко халқнинг қалб тўридан чиққан тафаккур дурдоналари узоқ тарихий жараёни давомида халқнинг маънавиятини шакллантирган. Шу боис халқнинг турмуш тарзи кўшиқларда ифодалаган.

Эстрада хонандалигида сўз ва оҳанг бир қолипда уйғунлашган бўлади. Кўшиқларнинг сўзи ва оҳанги бир-бирига шунчалик уйғунлашиб, уларни бир-бирисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг "Кеча келгумдур дебон ул сарви гулруҳ келмади" газалини кўшиқ тарзида эшитиш тингловчига янада завқ бағишлайди. Ёхуд созандалар ансамбли ижросида "Муножот" куйини тинглаганда албатта унинг шеърини матни хаёлдан ўтаверади. Бундай холларни бошқа кўшиқларда ҳам кўриш мумкин.

Сўз ва оҳангни уйғунланишини ва ажралмас ҳолга келишига сабаби, ҳар бир адабий матн ўзига хос ритм, ўлчовга ўзига хос бадиий хусусиятларга эга. Айнан

музиқада ҳам худди шу хусусиятлар ўз ифодасини топганлигини кузатиш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, адабий музиқий матн қачонлардир, бир киши томонидан яратилганлиги ҳам бизга тарихдан маълум. Бунга бир қатор халқ қўшиқлари, шоирларнинг ўз шеърларига музиқа басталаганлари мисол бўла олиши мумкин. Бобурнинг "Бобурнома" асарида улуг мутафаккир шоир Алишер Навоий ҳам бастакор, ҳам моҳир созанда бўлиб, баъзан ғазалларига ўзи музиқа басталаганлиги ҳақида ёзиб қолдирганлар. Бунга "Феруз 1 ва 2" ва бошқалар мисол бўла олиши мумкин. "Феруз-1" кейинчалик Огаҳий ғазали билан айтилган. Демак, аввал музиқа кейин адабий матн пайдо бўлиши ҳам табиий ҳол ҳисобланиб, бундан моҳирона фойдаланиш ижодкорнинг ижро маҳоратига боғлиқ.

Бастакор қўшиққа куй басталашга киришишдан олдин шеър танлайди ва адабий матннинг мазмуни руҳий кайфиятига алоҳида эътибор беради бу эса басталаётган оҳанги ижросини шакли-шамойилини намоён этишга имконият яратилади. Бастакор ўз олдига қўйган вазифани қай даражада уддалай олишига эса қўшиқ мавқеининг оҳангдорлигига боғлиқ.

Демак музиқа олдин яратилганда ҳам, шеър танланганда ҳам адабий матн билан оҳангнинг моҳиятини мос келиб, ўзаро уйғунлашгандагина қўшиқ ижроси мукамал бўлиши мумкин.

Шуни айтиш жоизки, сўз ва оҳанг бирлиги тенг ҳуқуқлидир. Буларни ҳеч қайси бири бир-биридан устун эмас. Булар уйғунлашгандагина бир-бирини бойитишга сабаб бўлади. Сўз ва оҳанг бирлигидан яхши асарлар пайдо бўлиб иқтидорли ижрочилар томонидан куйланган.

Ҳозирги кунда "эстрада" номи билан юритилаётган музиқа намуналари тобора кўплаб тингловчилар эътиборини ўзига жалб этмоқда. Бугунги кунда радио - телевидение ва турли байрам тантаналари дастурларидан кенг ўрин олган бу турдаги музиқа нафақат ёшларни, балки жамиятимизнинг турли ёшдаги миллионлаб вакиллари онги ва маънавиятига сезиларли таъсир ўтказа бошлади.

XX аср ўзбек музиқа санъатида ҳам кескин янгиланишлар даври бўлди дейиш мумкин. "Ноанъанавий" композиторлик ижодиёти ҳамда янги концерт шакллари юзага келди. Шу муносабат билан музиқий маданиятга ҳам "эстрада" муомаламизга кириб келди.

Бу соҳанинг бош ирмоғида турган истеъдодли хонандалар жумладан, Б.Зокиров, Л.Зокирова, К.Жалилова, Б.Мавлонов, Н.Зокиров, Р.Шарипова, Ю.Тўраевлар ижро дастурида ўзбек композиторлари яратган қўшиқлар мустаҳкам ўрин олади. Ижодий ҳамкорлик натижасида яратилган қўшиқлар телерадио дастурлари, кино ва сахнавий асарлар, ҳамда концертлар орқали оммалашди, сараланди ва ҳақиқий "шлягер" намуналарига айланди.

Ботир Зокиров ижросидаги "Орзуларим машъали" (Фарид Ал-Ашрафий, Миср Араб Республикаси), "Гўзал қиз" (Раҳбалий, Ливан), "Дил орзуси" (Чаудхурий, Ҳиндистон) "Мара бебус" (Эрон халқ қўшиғи), "Ўлғунимча йиғлайман" (Фатхулла Сулайман, Сурия) каби турли миллат ва халқларнинг тингловчиларга кўтаринки кайфият, эстетик завқ ҳада этиш билан бирга, қўшиқ мухлисларининг маънавий дунёсини бойитди.

Ўзга халқ удумлари, урф - одати, қўшиқ ижрочилик мактаби, қўшиқ характери ва унинг юкини ҳис этиш, эрон, ҳинд, араб, ижрочиларининг ижодини, куйлаш йўлини, улубини такрорламасдан, уларга тақлид қилмасдан ўз талқини, ўз таҳлили ва овози, ифода воситасига эга бўлишни ҳамма ҳам эплай олмайди. Ўзгалар

маданияти, санъат сирлари, ижро йўллари усулларини эгаллаш истеъдодли санъаткорларга, кўшиқчилик санъатида ўз дастхати ва ижод йўлини кашф этган тинимсиз изланишлар олиб боришга қодир санъаткорларга насиб қилади холос.

Қаерда бастакор, шоир ва созандаларнинг чинакам ижодий ҳамкорлиги, бадий - эстетик оламида муштараклик сезилсагина янги кўшиқ, янги бадиият гўзаллиги майдонга келади. Ботир Зокиров ижодидаги сара кўшиқлар ана шундай ҳамкорлик натижасида дунёга келди.

Мутал Бурхоннинг Ботир Зокиров ижросидаги "Мафтун бўлдим", Икром Акбаровнинг "Раъно", "Газли", Сайфи Жалилнинг "Мажнун монологи" кўшиқлари ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида яратилиб, ҳозирда ҳам ўз мавқеини йўқотмай келмоқда. Бу эса хонанданинг кўшиқ учун мазмунан пухта ва жозибали шеър топа олганлигидан, сўзнинг ҳар бир мисрасига юракдан меҳр боғлаб, оҳанглар орқали тингловчи қалбига етказиб бера олганлигидан далолат беради.

Ботир Зокиров ижросидаги ҳар бир номер, ҳар бир кўшиқ қаҳрамонининг ички ва ташқи қиёфаси, асар мавзуси ва мазмуни, мусиқа характери, жанри, гоёвий юк таҳлили, миллат анъаналари, фольклорлар таҳлилининг маҳсули сифатида томошабинлар эътиборига ҳавола қилинган. Ботир Зокиров санъатининг таъсирчанлик кучи, жозибаси, қалбга яқинлиги, сўз, мусиқа ва ижронинг уйғун ҳолда акс этишида эди. Бу эса унинг профессионаллик даражасининг юксаклигидан далолат беради.

Ботир Зокиров ўзбек эстрада кўшиқчилик санъатига ўз овози, ўз кўшиғи, ўз дарди ва усули билан кириб келди. У кўпгина кўшиқларининг мусиқасини ўзи басталади. Шу билан бирга машҳур Француз бастакори Энрико Массис ҳамда шарқ халқларининг бир қанча бастакорлари Ботир Зокиров билан ижодий ҳамкорлик қилдилар. У ўзининг бетакор кўшиқлари билан Парижда "Олимпия" концерт залида концерт берганида француз кўшиқ ихлосмандларини қойил қолдиради. Машҳур инглиз хонандаси Том Жонс Ботир Зокиров концертини томоша қилиб, - "Бу сочлари қора ва жингалак ўзбек хонандасидан кўп нарсани ўрганиш мумкин экан" [2], деган сўзларни айтади. Таниқли санъат арбоби, француз импрессионести Артур Хеллер ўша йиллари Ботир Зокиров билан бўлиб ўтган суҳбатда шундай сўзларни айтади: Сизнинг парвозингиз юксак, сиз эстрада санъати учун муҳим ҳодисасиз. Саҳнада чинакам ҳаёт яратасиз. Сиз жаҳон эстрада санъатига тоза ҳаво олиб кирдингиз" [3] дея эътирофли сўзларни билдиради. Бу эса хонанданинг санъатига, шу билан бирга у бойитган, профессионаллик даражасига кўтарган, халқимизнинг маънавий бойлигига айланаган ўзбек эстрада кўшиқчилик санъатининг чет элларда ҳам тан олинishi ва унга берилган юксак баҳо эди.

Шу билан бирга, бу даврда ўзбек миллий кўшиқчилигида оғзаки нутқ оҳангига таяниб ижод қилиш усули кенг тарқала бошланди. Оғзаки оҳангига хос бўлган ўзаро муаммолардаги фикр баёни, мулоқот ва диалоглар, минбарона нотиклик, шеър ва ҳикояларни, дoston ва романларни ўқишдаги овоз тўлқинлари сингари воситалар бастакор ва хонандалар ижодида ҳам ўз ифодасини топди.

Ботир Зокиров мактабини ўтаган, эстрада санъатининг тараққий топишига ўз ҳиссасини қўшган ўнлаб хонандалар қатори Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров ва "Ялла" вокал чолғу ансамлининг ижоди ушбу санъат ривожига сезиларли ва самарали таъсир кўрсатди. Гуруҳ томонидан ижро этилган "Омонёр", "Тошкент", "Чойхоначи", "Қилпиллама" каби кўшиқлар халқ ижодини янги қирралар билан бойитди. Улар ўзбек эстрадасига кўп овозли услубда куйлаш ва жўр бўлиш санъат

ва маданиятини олиб киришди. Унда эстрада чолғу - асбоблари қаторида миллий чоғулардан фойдаланилгани билан эътиборли бўлди.

Айни шу жараёнларда ўзбек эстрада санъатига Ўзбекистон халқ артистлари ўуломон Ёқубов, Мансур Тошматов, Насиба Абдуллаевалар ҳам шаҳдам қадамлар билан кириб келди. Насиба Абдуллаеванинг "Баригал", "Самарқанд", "Ёқасиз жоним", "Тушингизга кирган малак", "Келасиз" каби қўшиқлари ўзига хослиги, маънадорлиги, нафис ички кечинмалари, миллий колоритга бойлиги, сўз ва мусиқанинг уйғунлиги билан ажралиб туради. Шу боис ушбу қўшиқларни бугунги кунда ҳам севиб тинглаб келинмоқда.

1980 - 1990 йилга келиб эстрада қўшиқчилиги майдони янада кенгайди. Унда ватанпарварлик, лирик мавзудаги асарлар, даврни, муҳаббатни, дўстликни, маънавий қадриятларни куйлаш, бадиий анъаналарга янгича ёндашишлар билан бир қаторда, кўп овозли ижро, ансамблларда раққосаларнинг иштироки, шоу томошалари муҳим ўрин тута бошлади.

Шу даврда эстрада оламига яна бир ҳақиқий истеъдод эгаси, дардли овоз соҳибаси Юлдуз Усмонова ҳам ўзининг дилтортар куйлари, ширали овози, мазмунан бақувват қўшиқлари билан халқнинг кўнглидан жой олди. Унинг ҳар бир қўшиғи ранг - баранглиги ва халқчиллиги билан ўзгача тароват касб этди. Хонанданинг ижодида бир хилликни, шунчаки, енгил - елпи қўшиқларни куйлаш аломатлари сезилмайди. Балки бутун борлигини, қалб кўрини оҳанглар замирига мужассам этишга интилади. Шу сабабли унинг қўшиқлари тезда халқ орасида оммалашиб борди.

Юлдуз Усмонова билан бир қаторда Нуриддин Ҳайдаров, Муҳриддин Холиқов, Охунжон Мадалиев, Азим Муллахонов, ўйёс Бойтоев, Равшан Номозов, Мавлуда Асалхўжаева, Салоҳиддин Азизбоевлар ҳам самарали ижод қилишди. Айниқса, Нуриддин Ҳайдаров, Муҳриддин Холиқов, Охунжон Мадалиев ва ўйёс Бойтоевлар санъатида миллий колорит етакчилик қилди. Уларнинг бетакрор овозлари, чуқур талқини ва самимийлиги алоҳида эътиборга молик бўлди.

Миллий эстрада санъати тараққиётида уч муҳим восита сўз, соз ва овоз бирламчи ҳисобланиб, шоир, хонанда ва бастакорнинг ўзаро ижодий ҳамкорлиги натижасида миллий эстрада санъатининг ўлмас асарлари яратилган.

Хулоса сифатида қайд этиш лозимки, замонавий эстрада санъатининг маънавий ва эстетик қийматини оширишда тарихий тажрибаларга асосланиб шоир, хонанда ва бастакор ҳамкорлигини кучайтириш лозим. Бу жараёнда профессионализм масалаларига эътибор қаратмоқ лозимдир.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш - халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси. Халқ сўзи. 2017 йил 4 август.

2. Раҳимов А. Ўрганайлик ва ўргатайлик // Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси, 2005 йил, 1 апрел. 14-сон.

3. Раҳимов А. Миллий эстрада қандай бўлиши керак? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси, 2002 йил, 16-июн. 25-сони.



ISSN 2181-9297

Doi Journal 10.26739/2181-9297

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

№5 (2019)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000